*Мустақилликнинг тўрт йиллиги олдидан*

# ТОШКЕНТ — ТИНЧЛИК ВА БИРОДАРЛИК ШАҲРИ







**Тошкент ва тошкентликлар... Бугунги кунда бу икки тушунча бир-бири билан нақадар чамбарчас боғлиқлиги ҳақида, ушбу гуллаб-яшнаётган, серқуёш шаҳар эса унда истиқомат қилаётган кишилар ва ҳар бир ўзбекистонлик учун шунчалик қадрдон бўлиб қолганлиги хусусида гапириш, эҳтимол, ортиқчадир. Биз ҳаммамиз ўз пойтахтимизни беҳад даражада севамиз. Унинг янги-янги қурилиш иншоотлари, шоҳкўчалар ва майдонлар, хиёбон ва истироҳат боғларини кўрганда бир қувонсак, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларда эришган ютуқларини эшитганда ўн чандон хурсанд бўламиз. Айниқса, шаҳримиз жадал суръатларда йирик замонавий давлатнинг йирик замонавий пойтахтига айланиб бораётгани эса ҳар биримизга олам-олам севинч бағишламоқда. Буларнинг бариси қалбларда ифтихор туйғуларини мавжлантирибгина қолмасдан, балки эзгу истакларни ҳам уйғотиши, шубҳасиз. Зеро, Тошкентга МДҲ мамлакатлари ва олис-яқиндаги хорижий давлатлардан тез-тез меҳмонлар ташриф буюрмоқдаки, уларга пойтахтимиз бўлган бу шаҳарни кўз-кўзлаш истаги бизда қулф урмайдими? Майли, улар мириқиб томоша қилсин, майли, ҳаммаси ҳайрат оғушида таққосласин.**

**Ҳа, сўнгги тўрт йил — Ўзбекистон мустақиллигининг 4 йиллиги мобайнида республикамиз пойтахтида қатор улуғвор ўзгаришлар юз берди.**

**Шаҳримиз кундан-кунга ҳам бўйига, ҳам энига ўсмоқда, унинг қиёфаси эса тобора гўзаллашиб бормоқда. Булар оддий инсон қўллари — ўзбеклар ва руслар, тожиклар ва татарлар, қозоқлар ва корейслар, украинлар ва беларуслар, яъни бутун озод мамлакатнинг кўп миллатли пойтахтида яшаётган барча кишиларнинг қўллари билан бунёд этилаётир. Одамлар шаҳарни барпо қилмоқдалар, шаҳар эса одамларни шакллантирмоқда. Президентимиз Ислом Каримов республика Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги нутқида алоҳида таъкидлаганларидек, инсон ва давлат ўртасидаги муносабатларда инсон манфаатлари устивор бўлиши керак. Шаҳар раҳбарияти ўз фаолиятида бу қоидани дастуриламал сифатида қабул қилиб, шу асосда иш юритмоқда.**

**Ўтган йиллар мобайнида Тошкентда қандай бунёдкорлик ишлари амалга оширилди? Келгусида пойтахт қиёфаси қандай тус олади? Шаҳар ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Козим ТЎЛАГАНОВ шулар ҳақида ҳикоя қилади:**

**ТОШКЕНТ — Ўзбекистон Республикасининг пойтахти. Мамлакатимизнинг энг йирик саноат, транспорт ва маданият маркази. Республиканинг шимолий-шарқида, Тян-Шань тоғлари этакларида, денгиз сатҳидан 440-480 метр баландликда, Чирчиқ дарёси водийсида жойлашган. Майдони 250 кв. км. аҳолиси сони 2 миллиондан зиёд.**



*Козим ТЎЛАГАНОВ:*

## ШАҲАРДА НИМАИКИ ҚИЛИНАЁТГАН БЎЛСА, ҲАММАСИ ШАҲРИМИЗ УЧУН, ШАҲРИМИЗ КЕЛАЖАГИ УЧУН







— Сиёсий барқарорлик, тинчлик ва хотиржамлик шароитида, албатта, кўпгина ишларни рўёбга чиқаришга эришдик. Бугун биз шаҳарда кўриб турганимиз — ҳамма жойда олиб борилаётган қурилишлар, маҳаллий ва чет эл фирмаларининг номлари ёзилган лавҳалар, бозор ва дўконлардаги пештахталарнинг илгаридек бўм-бўш эмас, балки товарларга тўлиб-тошиб ётгани — буларнинг бариси, биринчи навбатда, республикамизда амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотлар самарасидир. Зеро, иқтисодий ислоҳотлар туфайли ишлаб чиқаришнинг молиявий аҳволини барқарорлаштириш, кичик ва ўрта бизнесни ташкил этиш, шаҳар йўловчи транспорти ишини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш, халқ таълими муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва бошқа кўпгина ижтимоий масалаларни ечишнинг имкони яратилди.

Мисол учун, турли объектларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масаласини олиб кўрайлик. Ҳозир Тошкентда 9 мингдан зиёд нодавлат секторидаги корхона ва ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, саноатда 1,5 мингдан ортиқ, савдо тармоқларида эса 2.456 та шундай тузилмалар ишлаб турибди. Шу йилнинг биринчи ярмида шаҳар бўйича ишлаб чиқарилган жами саноат маҳсулотлари ҳажмининг 42 фоизидан кўпроғи, маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг 67 фоизи ва барча турдаги товарлар айланмасининг қарийб 85 фо-изи уларнинг ҳиссасига тўғри келди.

Агар фақат жорий йил натижалари ҳақида гапирадиган бўлсак, январь ойидан бошлаб то бугунга қадар 538 та турли иншоот хусусийлаштирилди, бунинг эвазига ғазнага 140 миллион сўм маблағ тушди. Ўтган 7 ой мобайнида эса 4 мингдан зиёд кичик ва хусусий корхона ташкил этилди. Бу — 1995 йил учун белгиланган топшириқнинг 81 фоизига тенгдир.

Юқорида келтирилган мисоллардан «Ходимлар ўз ишини кўрсатиш мақсадида катта рақамлар ортидан қувмаяптимикан?» деб ўйламаслик керак, албатта. Хусусийлаштиришга доир ҳар бир факт — у ёки бу объектни давлатдан сотиб олмоқчи бўлган фирма ва жисмоний шахсларнинг имкониятлари қай даражада эканлиги жиддий таҳлил қилинаётир. Шу боис мулк шаклини ўзгартирган барча корхоналар, савдо ёки маиший хизмат кўрсатиш шоҳобчалари амалда рисоладагидек ишлаб, шаҳар бюджетига даромад келтирмоқда.

Шунингдек, янги саноат тармоқлари, қўшма корхоналар сони ҳам кўпаймоқда. Хусусан, бугунги кунда Тошкентда 314 та акционерлик жамияти рўйхатга олинган бўлса, шундан 121 таси ўз акцияларини муомалага чиқарди. Айни чоғда пойтахтда 500 дан зиёд қўшма корхона муваффақиятли ишлаётир. Уларда эса 17 мингдан кўпроқ киши иш билан банд. Ўтган ярим йиллик давомида бу корхоналарда қарийб 2 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланди. Шу ўринда, айниқса, жаҳонга машҳур бўлган Жанубий Кореянинг «ДЭУ корпорейшн» (электрон техника маҳсулотлари ишлаб чиқарилади), Англиянинг «Ренк-ксерокс» (тегишли хизмат кўрсатиш), Туркиянинг «Бурсел» (қурилиш), Италиянинг «МВМ» (юқори сифатли бадиий буюмлар), Американинг «Венус ЛТД» (тикувчилик) фирмалари шаҳар иқтисодиёти тараққиётига сезиларли даражада улуш қўшаётганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Бироқ биз буларнинг барисини кенг кўламли ишларнинг бошланиши, деб ҳисоблаймиз. Шаҳар ҳокимлиги янги инвесторларни қидириб топиш, улар билан биргаликда қўшма корхоналар ташкил этиш, ишлаб чиқаришга янги технологиларни жорий қилиш, юқори классли меҳмонхоналар қуриш, супермаркет ва бошқа иншоотлар яратиш юзасидан шартномалар тузиш бўйича фаол иш олиб бормоқда. Ана шу саъй-ҳаракатлар туфайли «Ўзбекистон» кўн-пойабзал акционерлик жамияти базасида Покистоннинг «Лазер филд» фирмаси билан ҳамкорликда қўшма корхона очилди. Бу ерда тери хомашёси қайта ишланиб, яримфабрикатлар, турли хил чарм буюмлар тайёрланади. «Ўзнефтгазқурилиш» эса ўзбек-инглиз қўшма корхонаси-саноат иншоотларини қуриш ва таъмирлашга ихтисослаштирилган «ЎзАқурилиш ЛТД»нинг таъсисчиси бўлди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Олдинда эса навбатдаги қўшма корхоналарни ташкил этиш вазифаси турибди. Дейлик, айни кунларда ҳокимлик хорижлик инвесторлар билан бир қатор шундай корхоналарни очиш мақсадида таъсис ҳужжатларини жадал тайёрламоқда. Пойтахтда меҳмонхоналар қуриш ва келгусида уларни ишлатиш билан шуғулланадиган «Тошкент-Метрополь» Ўзбекистон-Англия-Франция қўшма корхонаси, биноларни таъмирловчи масъулияти чекланган ўзбек-немис жамияти, фуқаролар учун уй-жой қурадиган «Звезда Востока» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси, халқаро классли меҳмонхоналарни тиклаш ва эксплуатация қиладиган «Тошкент Феал интернасиональ» ўзбек-француз махсус корхонаси (ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти) шулар сирасига киради.

Нима учун хорижлик инвесторлар мамлакатимизга оқиб келмоқдалар? Минтақамиздаги сиёсий барқарорлик ва тинчлик-хотиржамлик ҳақида боя айтиб ўтган бўлсам-да, яна бир карра таъкидламоқчиман: айни шу омиллар чет эл бизнесменларининг кўнглини тўқ қилмоқда. Зеро, мамлакатда бизнес-шартномаларни тартибга солиб турувчи норматив ва бошқа ҳужжатларнинг мавжуд бўлиши ўзаро ҳамкорликда тадбиркорлик билан шуғулланишга имкон беради.

Янгидан ташкил этилаётган ва ишонч билан қадам ташлаётган бизнес шаҳарга нима бермоқда? Мана, бир мисол. Бугунга қадар Тошкентда бир кеча-кундузда 100 тоннадан зиёд турли нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган 23 та кичик новвойхона ишга туширилдики, бу шаҳарликларнинг улкан эҳтиёжини таъминлай олади. Яқин кунларда эса яна 2 та «Винклер» типидаги шундай новвойхона очилади. Агар ташаббускор кишиларга кичик бизнес билан шуғулланишлари учун етарли имкониятлар яратилмаганда буларни илгари қаердан олиш мумкин эди? Агар ана шу янги ускуналар келтирилиб ўрнатилмаганда маъмурчилик белгилари бўлмиш мазали булкалар, батонлар ва бошқа нон маҳсулотлари дастурхонимизда бўлармиди?

Шулардан келиб чиққан ҳолда айтиш кераккки, бугунги кунда шаҳарда нимаики қилинаётган бўлса, ҳаммаси бизнинг пул топишни ўрганаётганимиз шарофатидандир. Амалга оширилаётган ишлар эса, юқорида таъкидланганидек, оз эмас.

Айтайлик, фақат Тошкентнинг Эски шаҳар қисмини таъмирлашнинг ўзи қанча туради? Вазирлар Маҳкамаси томонидан бултур қабул қилинган Қарордан кейин бу ишга шаҳардаги йирик қурилиш ташкилотлари жалб этилганди. Шу кеча-кундузда эса, умуман, ушбу улкан дастурни бажаришда пойтахт ҳудудида жойлашган барча вазирликлар, идоралар, концернлар, уюшмалар, саноат корхоналари қатнашмоқда. Айниқса, «Ўзмонтажмахсусқурилиш», «Ўзсаноатфуқароқурилиш» уюшмалари, республика Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзёғочсаноат», «Ўзтрансқурилиш», «Ўзавтойўл», «Тошметро-қурилиш» ва «Шаҳарйўлқурилишсозлаш» ва бошқа ташкилотлар жамоаларининг иши мақтовга лойиқдир.

Агар шаҳардаги қурилиш ишлари ҳақида тўласинча гапирадиган бўлсак, бу ерда, албатта, асосий оғирлик «Тошуйжойинвест қурилиш» бўлинмалари зиммасига юкланган. Улар, айтиш мумкинки, ўз бурчларини сидқидилдан адо этишаяпти. Ушбу жамоа биринчи ярим йиллик учун белгиланган уй-жойларни қуриш топшириғини муваффақиятли бажаргани боис кўплаб оилалар янги замонавий квартираларга ўз вақтида кўчиб ўтишди. Бу эса, ишонинг, бизнинг шароитда ғоят муҳим — одамлар мамлакатда тартиб-интизом мавжудлигига, иқтисодиётимизнинг мустаҳкамланаётганига ишонч ҳосил қилади. Қўшимча қилиб шуни айтиш кераккки, молиявий имкониятлари бўлган кишиларга ҳам ўз вақтида ва муайян тартиб асосида шахсий уй-жой қуриш учун томорқалар ажратилди.

Қурилиш соҳасидаги мавзуимизни давом эттирсак, Соғбон, Қорасарой, Фаробий ва бошқа трассалардаги эски уйларни бузиш ва ерни текислаш бўйича сезиларли ҳажмда ишлар бажарилди. Уларнинг ўрнида ҳозир зарур муҳандислик коммуникациялари ётқизилиб, кўчалар кенгайтирилган ҳолда асфальтланмоқда. Тез орада эса янги трамвай ва троллейбус линиялари тортилади. Уларнинг айримлари, тўғри, ўтган ярим йилликда эксплуатацияга топширилди. Хусусан, ҳозир Қамарнисо, Мирзо Улуғбек кўчаларидан Чимбой кўчасигача трамвай қатнамоқда, «Алпомиш» санъат саройидан Қорақамиш — 1/2 мавзесигача янги трамвай, Сегизбоев кўчасидан Якуб Колас кўчасигача эса троллейбус йўналиши очилаётир.

Шу билан бирга, Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида ободонлаштириш ишлари мажмуи ҳам жадал амалга оширилмоқда.

Тошкентдаги қарийб барча бозорларда юз берган ўзгаришлар ҳақида ҳам, албатта, тўхталиб ўтиш жоиз. Биз, тошкентликлар фахр-ифтихор ила ўзига хос меъморий услубга эга, ҳам харидорлар, ҳам сотувчиларга қулай шароитлар муҳайё қилинган бозорларимизни ҳақиқий Шарқ бозорларига қиёсласак, ўйлайманки, бунга ҳеч ким эътироз билдирмайди. Йил бошидан бери шаҳарда бешта шундай бозор қурилди. «Ғалабанинг 40 йиллиги» мавзесидаги «Янгиобод», Юнусободдаги «Аҳмад Дониш», «Сельмаш» ва «Рисовий» бозорлари шулар жумласидандир. Уларда савдо ўринлари бир минг уч юзтага кўпайди. Мустақиллик байрами арафасида эса Сирғали мавзесидаги 6-квартал ва Паркент бозорлари қурилиши ниҳоясига етказилади.

Далилларни ҳадеб қайд этавериш, тўғриси, одамни толиқтиради. Бироқ улар бизнинг жонажон шаҳримизга, ҳаётимизга, ҳар биримизга тааллуқли. Ишонинг, ахир, куни-кеча Бобур кўчасини кесиб ўтган Бўржар канали устига қурилган янги кенг кўприкнинг очилиши ҳар бир тошкентлик қалбида қувонч уйғотмадими? Ахир, Алишер Навоий мемориал комлекси қай тарзда кенгаяётганлигини кузатиш мароқли эмасми? Амир Темур хиёбонидаги янги фавворалар, янги метро бекатларининг қурилишини-чи? Туроб Тўла, Қодирий кўчаларини таъмирлаш ва бошқа бунёдкорлик ишлари-чи? Ахир, буларнинг кўпчилиги 1 сентябргача фойдаланишга топширилади. Йўқ, далиллардан қочиб қутулолмайсиз. Улар бизнинг бугунги ҳаётимизни, унда ҳар куни юз бераётган ўзгаришларни акс эттиради.

Энди икки оғиз маҳаллаларимиз хусусида. Маҳалла — бу ўзбек учун катта уй, катта оила. Бу ерда ўзини ўзи бошқариш, ўзаро ёрдам, бир-бирини қўллаб-қувватлаш мужассам. Ва маҳаллада яшовчи ҳар бир киши бир нарсани яхши билади: нимаики юз берса, ҳамиша елкадош бўлиш керак.

Республикамиз пойтахтида ҳозир қарийб беш юзта маҳалла мавжуд. Ҳокимлик томонидан ишлаб чиқилган «Маҳалла» дастурига мувофиқ уларнинг ҳар бирида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди, қулай шароитлар яратилди. Хусусан, йилнинг биринчи ярмида 30 километр узунликда газ ва 42 километр узунликда канализация тармоқлари қурилди. 820 та хонадон телефонлаштирилди ва бошқа кўплаб зарур юмушлар бажарилди. Бугунгача 22 гузар қуриб битказилган бўлса, Мустақиллик кунигача яна 28 та шундай иншоот фойдаланишга топширилади.

Юқорида тилга олинган ўзини ўзи бошқариш масаласига келсак, икки йил аввал қабул қилинган «Фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонундан кейин маҳалла қўмиталари фаолиятида сезиларли даражада ўзгаришлар рўй берди. «Маҳалла» жамғармасининг Тошкент бўлими ташкил этилди. Ҳозир у корхоналар, ташкилотлар, ҳокимликлар ва фуқаролар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Бундай биргаликда ҳаракат қилиш одатдагидан тезроқ ўз самарасини бермоқда. Мисол учун, Яккасарой туманидаги «Ўриксор» маҳалласини олиб кўрайлик. Бу ерда жуда қисқа муддатда «Гулпари» кичик корхонаси очилди, аккумуляторларни созлаш ва чархлаш цехлари қурилди. Мазкур корхоналарнинг ҳар бири тўла қувват билан ишлаб, маҳсулот бермоқда.

Ушбу ҳайрли ишларга маҳаллалар аҳли, одамларнинг ўзлари ҳам бош-қош бўлмоқдалар. Дейлик, Ботир Бобоев кўчасидаги маҳаллада аҳолининг кучи билан канализация қувурларини ётқизиш учун 2 километр узунликда траншея қазилди. Натижада микрорайондаги барча уйларда яшовчи кишилар канализация хизматидан баҳраманд бўлаётир. Яна бир мисол. «Янгиариқ» маҳалласида ана шундай эзгу ишлар, айниқса кўплаб амалга оширилди. Ва натижада ўтган йилги республика кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллади.

Тўғри, ҳозирча ҳамма жойда ҳам бу борадаги ишлар кўнгиллагидек кетмаяпти. Шу йил ўтказилган аттестациянинг кўрсатишича, айрим оқсоқоллар кам таъминланган оилаларга нафақа беришга доир ҳужжатларни тўлдиришда қонунларни бузишга йўл қўйган. Ҳатто шу мақсадга ажратилган маблағларни суиистеъмол қилиш ҳоллари ҳам аниқланди. Қисқаси, кўпчилик оқсоқоллар аттестациядан ўта олмади, уларнинг ўрнига янгилари сайланди.

Маҳалла қўмиталарига, уларнинг аҳоли ўртасидаги обрў-эътиборига кўп даражада туман ҳокимликлари, қолаверса, шаҳар ҳокимияти ҳам таянади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш тадбирларини амалга оширишда фаол ҳамда самарали қатнашишини таъминлаш мақсадида фақат ўтган ярим йилликда махсус ҳисобга 67 миллион сўм ўтказилди. Биз яхши тушунамиз: одамлар бизга пешвоз чиқмоқда, улуғвор ишларимизни рўёбга чиқаришда қўллаб-қувватламоқда. Демак, уларни унутишга бизнинг ҳам ҳаққимиз йўқ. Инсон манфаатлари ҳамиша устивор бўлмоғи керак.

Республика мустақиллигининг тўрт йиллиги байрамининг асосий тантаналари, анъанага кўра, пойтахтда бўлиб ўтади. Бу, табиийки, шаҳар ва туманларнинг хизмат кўрсатиш ташкилотлари зиммасига юксак масъулият юклайди. Бугунги кунда Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ белгиланган дастур асосида Мустақиллик, Халқлар Дўстлиги, Ҳадра, Навоий номли майдонларда, Ўзбекистон Миллий боғи ва Амир Темур номли хиёбонда, шунингдек, бошқа оммабоп жойларда байрамга тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Шодиёнага эса жуда оз вақт қолди. Ишонаманки, у юксак даражада, уюшқоқлик билан, кўнгилдагидек ўтади. Мен албатта, байрамнинг ташкилий қисмини уюштиришга даҳлдор хизмат кўрсатиш ташкилотларининг фаолиятини назарда тутаяпман. Лекин, ўйлайманки, у ҳар томонлама эсда қоларли бўлади. Ўзбекистон Мустақиллигининг 4 йиллигига бағишланган тантаналар йилнинг ёрқин, энг қувноқ, энг бахтиёр куни сифатида тошкентликлар ва шаҳримиз меҳмонларининг қалбида хотира бўлиб қолсин. Давлатимизнинг нурафшон келажагига бўлган ишонч эса юракларда муҳрланиб қолсин. Шунда ҳар бир киши кўзланган мақсадларга эришишга баҳоли қудрат ҳисса қўша олади.

